

## Исломнинг қويدаси



15:14 / 03 ноябрь 1045

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Ноҳаванд фатҳидан қайтиб келаётиб, Ҳамадон аҳлининг сулҳни бузганликлари ҳақидаги хабарни эшитди. У киши бу кўнгилсиз хабарни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга етказди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу у томонга Нуъайм ибн Муқарринни юборишни амр қилдилар. У йўлидан қайтиб, Ҳамадон томон юрди. Ҳамма тарафни эгаллаб, шаҳарни қамал қилди. Душман сулҳ талаб қилди. Улар билан жияга сулҳ тузилди. Сўнгра Нуъайм ибн Муқаррин Вожрўзда дайлимликлар, озарбайжонликлар ва райликларнинг қўшма лашкарини мағлуб қилди ва Умар розияллоҳу анҳуга хабар юборди. Умар розияллоҳу анҳу уни Рай томон юришга амр қилдилар.

Нуъайм ибн Муқаррин шаҳарга яқинлашиб борганида, уларнинг лашкарбошиси Абул Фархон сулҳ талаб қилиб, олдиларига чиқди. У подшоҳга хилоф қилиб чиққан эди.

Подшоҳ атрофдагиларни ёрдамга чақириб, жангга тайёргарлик кўрди. Шаҳар ташқарисида, тоғ ёнбағрида икки тараф тўқнашди. Қаттиқ жанг бошланди. Иш узайиб кетаётганини кўрган Абул Фархон Нуъаймдан ўзига бир гуруҳ жангчилар ажратиб беришини сўради ва форслар билмайдиган томондан шаҳарга кирмоқчи эканлигини айтди. У мазкур жангчиларни олиб, шаҳарга кириб борди. Нуъайм зарбани кучайтирди. Бирдан шаҳар ичида «Аллоҳу акбар!» садолари янгради. Форслар шармандаларча мағлуб

бўлдилар.

Бу жангда Аллоҳ таоло мусулмонларни Мадоиндаги каби катта миқдордаги ўлжалар билан ризқлантирди. Нуъайм Абул Фархонни шаҳарга волий этиб тайинлади ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга фатҳ ҳақида хушхабар юборди.

Ўз навбатида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу унга: «Уканг Сувайдни Қавмисга юбор», деб амр қилдилар. Амр бажарилди. Сувайд розияллоҳу анҳу шаҳарни ҳеч қаршиликсиз фатҳ қилдилар. Қочиб кетган одамларни қайтариб келиб, сулҳ туздилар.

Сўнгра Сувайд розияллоҳу анҳу Журжон томон юрдилар. У ернинг подшоҳи Сувайд розияллоҳу анҳудан сулҳ талаб қилиб, мактуб ёзди. Сувайд розияллоҳу анҳу рози бўлдилар. Подшоҳ шаҳар ташқарисига чиқиб, у кишини кутиб олди.

Сувайд розияллоҳу анҳу Журжонда турганларида у кишига Тобаристоннинг бошлиғи мактуб ёзиб, сулҳ сўради. У киши рози бўлдилар ва қуйидаги ҳужжатни ёзиб бердилар.

*«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Албатта, сен Аллоҳ азза ва жалланинг омонидасан. Шарт шуки, ўғриларингни ва ерининг атрофидагиларни тиясан. Бизга қарши бўлганларга жой бермайсан. Ким волий бўлса, унга ўз ерининг дирҳамидан беш юз минг дирҳам берасан. Қачон шуни қилсанг, биздан ҳеч кимнинг сенга ғарот қилишга ҳам, ерингга тегишга ҳам, сенинг изнингсиз киришга ҳам ҳаққи йўқ. Сизлар томон бизнинг йўлимиз изн ила омонли бўлур. Шунингдек, сизнинг йўлингиз ҳам. Сизлар бизга қаршиларга жой бермайсиз. Бизнинг душманимизнинг қочиб, кириб олишига ҳам йўл қўймайсизлар. Алдамчилик қилмайсизлар. Агар қилсангиз, сиз билан бизнинг орамизда аҳд йўқ.

Шоҳидлар: Савод ибн Қутба ат-Тамимий, Ҳинд ибн Амр ибн ал-Муродий, Саммок ибн Махрама ал-Асадий, Саммок ибн Убайдуллоҳ ал-Абасий, Утайба ибн ан-Нуҳҳос ал-Ажалийлар».

Сўнгра Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Басранинг Муғийрадан олдинги амири Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбонга мактуб ёзиб, уни Исфаҳонга юришга амр қилди. Абу Мусо ал-Ашъарийга унга мадад беришни амр қилди. Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбон бориб, у ерликлар сулҳ талаб

қилгунларича уруш қилди. Сулҳ талаб қилган эдилар, сулҳ тузди. У Исфиҳоннинг атрофларини ҳам фатҳ қилди.

Агар эътибор берадиган бўлсак, мусулмонлар доимо сулҳ тарафдори бўлганликларини кўрмоқдамиз. Уруш бошланмасдан туриб, сулҳ сўраганларга ҳам, урушиб туриб, сулҳ сўраганларга ҳам, енгилишига кўзи етиб, сулҳ сўраганларга ҳам, сулҳга хиёнат қилиб туриб, яна сулҳ сўраганларга ҳам рози бўлиб, сулҳ бераверганлар. Бу Ислом қонидасидир.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли ҳулосаси асосида чоп этилган.